

Скел

16 НОЯБРЬ КУНИ ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЕЕВ ГЕОЛОГИЯ СОҲАСИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАЛБ ЭТИШ ҲАМДА ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ИШЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ЙИГИЛИШ ЎТКАЗДИ.



НУҚУЗ

1997-йил 27-августдан чиқа бoshлаган

www.huquq.uz

2020-Ҳ. 19-НОЯБР, №46 (1243)



СУД ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ, ЯНГИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Жорий йилнинг 17 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида суд ҳужжатларини ижро этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.



«ТЕМИР ДАФТАР»ГА КИРИТМАСЛИКНИ СЎРАДИ

6-БЕТ

ФАРЗАНД ТАРБИЯСИГА КИМ МАСЪУЛ?

Қарийб 1 500 нафар ўсмир узоқ муддат четда юргани аниқланиб, уларнинг 566 нафари уйига қайтарилган.

3-БЕТ

Суд қарорлари – қонунийликни таъминлаш, келтирилган зарарни қоплашда ҳуқуқий асос. Жорий йилнинг 10 ойида Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросига 4 миллионга яқин ижро ҳужжати келиб тушган бўлиб, шундан 1 миллион 200 минггача бажарилмаган. Яъни, бугунги кун ҳолатига 17 триллион сўмлик ҳужжатлар ижроси таъминланмай турибди. Бунинг 7,2 триллион сўми давлат ундирувига, қолган 9,7 триллион сўм жисмоний ва юридик шахсларга тегишли. Ушбу маблағларнинг ундирилиши тадбиркорларнинг молиявий аҳволини яхшилаш, кам таъминланган фуқароларни қўллаб-қувватлаш, қўллаб-иқтимоий масалаларни ҳал этишда муҳим омил бўлади.

Йиғилишда суд ҳужжатларини ижро этиш ҳолати туман ва шаҳарлар мисолида кўриб чиқилди. Қарздорликларни қисқартириш бўйича мамлакат даража-

сида алоҳида, вилоят ва туманлар миқёсида алоҳида тизимда иш олиб борилиши белгиланди.

Ҳусусан, Мажбурий ижро бюроси 20 миллиард сўмдан юқори қарзларни ундириш билан шугулланади. Бюронинг вилоят бошқармалари 10 миллиард сўмдан 20 миллиард сўмгача бўлган қарзлар ундируви билан ишлайди.

МИБнинг туман ва шаҳар бўлими бошлиқлари ҳокимлар ва сектор раҳбарлари билан бирга оғир аҳволга тушиб қолган қарздорларнинг манзилли рўйхатларини тузиб, уларга кўмаклашади. Бунинг учун, ундирувчи илтимосига кўра ижро иши юриштишни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколати судлардан давлат ижросисига ўтказилади.

Давоми 3-бетда



ДОИМИЙ ПРОПИСКАГА ЎТАЁТГАНДА АВВАЛГИ ЖОЙИДАН РЎЙХАТДАН ЧИҚИШ ШАРТ ЭМАС...

4-БЕТ

БОЛТА КЎТАРГАН ЎҒИЛ



...ОТА-ОНАСИНИНГ БОШИГА ЕТДИ.

10-БЕТ



2020 йил 18 ноябрь соат 20:00 ҳолатига



Қасалланганлар 70 781 нафар



Соғайганлар 68 042 нафар



Вафот этганлар 601 нафар



ПРОФЕССИОНАЛЛИК КАФОЛАТИ

«Прокуратура тўғрисида»ги қонунга биноан аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги фармони билан тасдиқланган Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепциясида жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлашнинг энг муҳим шартларидан бири экани кўрсатилган.

Шу билан бирга, соҳага маъсул ходимларнинг маҳоратини мунтазам ошириб бориш долзарб масала ҳисобланади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси томонидан ҳам қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 13 ноябрь кунини Қуролли қучлар академиясида ҳудудий ҳарбий прокуратураларнинг жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот йўналишидаги ходимлари иштирокида онлайн семинар ўтказилди.

Унда Бош прокуратуранинг жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими, «Хуқуқ» газетаси таҳририяти, «Ўзбекистон 24» телерадиоканали, Мулофаа вазирилик Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти вакиллари долзарб мавзулардаги маърузалари билан иштирок этишди.

Ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ҳуқуқий ахборотни аҳоли ва ижрочиларга тез етказиш, аҳоли билан мулоқот қилиш, тарғибот тадбирларини замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказиш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Онлайн семинарда мутахассислар томонидан телевидение, матбуот, радио, расмий сайтлар ва ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалар учун ҳуқуқий маданиятни ошириш ва ҳарбий прокуратура органлари фаолиятига ошқоралик бериш билан боғлиқ хабар, мақола, видеосаҳна ва бошқа маълумотларни тайёрлашда, Қуролли қучларда қонунларга риоя этилиши устидан назоратнинг ўзига хос томонларини инобатга олган ҳолда, эътибор қаратиладиган масалалар хусусида атрофлича тушунтиришлар берилди.

Ботирбек СОБИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурининг катта ёрдамчиси

FAOLIYAT

ТАДБИРКОР ҲУҚУҚИ ҲИМОЯДА

Шуманай туманида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва унинг кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик ижроси мунтазам назорат қилинмоқда.

Хусусан, фуқаро С.Медетовнинг газ учун қарз нотўғри ҳисоблангани ҳақидаги мурожаати ўрганилди. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги «Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг 2-илловаси 3-боби 7-бандида газ таъминоти ташкилотлари ҳар йили 1 сентябргача табиий газга эҳтиёжни чоракларга

(қиш учун – ойлар бўйича) тақсимланган ҳолда келгуси йил учун газ эҳтиёжини белгилаш кўрсатилган. Тадбиркорнинг «Китоблар олами» дўкониди 2019 йилнинг январь ойида 1000 м³, февраль ойида 500 м³ ва март ойида 10 м³ табиий газдан фойдаланилган ва ҳақи тўланган, лекин 2019 йил 1 апрелда 294693 сўм дебитор қарзи бўлган. Шунга қарамай Мажбурий ижро бюроси Шуманай тумани бўлими ходими Ж.Худияров қарз микдорига аниқлик киритмасдан инкассо топшириги билан тадбиркорнинг ҳисобварағидан 233307 сўмни нотўғри ечиб олган. Мазкур ҳолат юзасидан Ж.Худияровга нисбатан интизомий жавобгарлик масаласи ҳал қилинди.

Шунингдек, Шуманай тумани ҳокимининг 2016 йил 1 декабрдаги қароридан

фуқаро К.Реймованинг Кетенлер овулидаги дўконини бузиш ҳамда ерини туман захирасига қайтариш белгиланган.

Мазкур қарор ва ҳокимликнинг мурожаатларини рўйхатга олиш дафтари ўрганилганда К.Реймова ҳокимликка шу мазмунда мурожаат қилмагани, фуқаро ҳозир ушбу иморатда тадбиркорлигини юритиш ниятида эканлиги, ҳоким қарори ижросиз қолиб кетгани аниқланди. Мазкур қарор Ер кодекси талабларини бузган ҳолда қабул қилинган сабабли туман прокуратурасининг протести билан бекор қилинди.

2020 йилнинг ўтган даврида туман прокуратураси 36 та тадбиркорлик субъектига ер ва бино ажратилишида, электр таъминоти ва бошқа масалаларда ёрдам кўрсатди. Кетенлер овул фуқаролар йиғинининг эски биноси техник

ҳолати яхши бўлишига қарамасдан бўш тургани аниқланди. Тикувчилик билан шўғулланиш ниятини билдирган Г.Бобоновага ушбу бинодан иккита хона ажратилди.

Туман прокуратурасининг ташаббуси билан Дийханабд овулида мевасабзавот етиштиришга ихтисослашган «Дийханабд жаслари», «Дийханабд даулетли жер» ҳамда чорвачилик йўналишида «Манзура шаруа» кооперативлари ташкил этилди. Уларга 13 та камбағал оила аъзолари ишга жалб қилинди. «Манзура шаруа» кооперативига эса бюджетдан 111,5 млн. сўм субсидия ажратилиши таъминланди.

Мансур ОРАЗБАЕВ,
Шуманай тумани прокурори

JARAYON

ХАЛҚ РОЗИЛИГИ УЧУН

Юртимизда мунтазам ўтказилаётган сайёр қабулларга ва халқ қўбулхоналарига келган фуқароларнинг мурожаатлари синчиклаб ўрганилиб, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ҳал этилмоқда.

Фаргона вилояти прокурори У.Қосимов ҳам фуқароларни қийнаб келаётган муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон туманида сайёр қабул ўтказди. Унда 36 кишининг мурожаати кўриб чиқилиб, 21 таси шу куннинг ўзида қаноатлантирилди. Булар

иш билан таъминлаш, тадбиркорлик, соғлиқни сақлаш, уй билан боғлиқ мурожаатлардир.

Хусусан, 2-сектор ҳудудида яшовчи Г.Мамасиддиқова, З.Раҳмонова ва В.Раҳматуллаевага тадбиркорликни бошлаш учун тикув машинаси, А.Дехқоновга ногиронлик ара-

вачаси олишда ёрдам кўрсатилди. 10 нафар ишсизнинг меҳнат билан бандлиги таъминланди. Ўрганиш талаб этиладиган мурожаатларнинг тез кунларда ҳал этилиши назоратга олинди.

Сайёр қабулдан сўнг вилоят прокурори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фарғона вилоятидаги халқ қўбулхонаси мудир Ф.Бобораҳимов 2-секторда қилинаётган ишлар билан танишиб, аҳоли билан мулоқот қилишди. Ҳозир мурожаатлар асосида Фаровон келажак, Товуш ва бошқа маҳаллаларда ичимлик сув тармоғи ўтказиш, янги бетон таянчлар, трансформатор ўрнатиш, электр линияси тортиш орқали 230 дан ортик хонадоннинг сув, 60 дан ортик хонадоннинг электр таъминотини яхшилашга киришилмоқда.

Нодиржон ДЖАЛОЛОВ,
Фарғона вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси



ТЎҒРИ ЯШАШ ИМКНИ

2020 йилнинг 13 ноябрь кунини Чиноз тумани Авғон маҳалласидаги мусиқа мактабида сайёр суд мажлиси ўтказилди.

Жиноят ишлари бўйича Чиноз тумани суди судьяси Р.Раҳимжонов, Чиноз тумани прокурорининг ёрдамчиси, шунингдек Чиноз тумани ИИБ пробация гуруҳи катта инспектори Д.Ҳайдаров иштирокида ўтказилган сайёр судда пробация гуруҳи ҳисобида жазо муддатини ўтаётган маҳкумларни муддатидан олдин шартли равишда озод қилиш масаласи кўриб чиқилди.

Кун тартибидаги масала юзасидан сўзга чиққан маъсуллар ҳозирги кунда туманда 240 нафар маҳкум ҳисобда туриши, жазони ўташдан бўйин товлаган 16 нафар маҳкумнинг жазоси ЖКнинг 46, 48'-моддаларига асосан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога алмаштирилгани, тузалиш йўлига ўтган маҳкумларга нисбатан жазодан озод қилиш каби бағри-

кенлик кўрсатилаётгани таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, муддатидан олдин шартли равишда озод қилинганлар қайта жиноят содир этишининг олдини олиш, уларнинг ватанга садоқат билан хизмат қилишига қўмақлашиш, оиласи ва қўни-қўшнилари билан аҳил яшаш учун етарли шароит яратиш, оилавий шароитини ўрганиш, моддий ва маънавий қўмақлашиш, жиноятга мойил шахслар билан профилактик суҳбатларни қулайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши борасида фикр билдирилди.

Сайёр судда жазо муддатини яхши ўтаган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган 12 нафар маҳкум муддатидан олдин шартли равишда жазодан озод қилинди. Улар энди кўрсатилган бағрикенгликдан ҳулоса чиқариб, ҳалол яшашга, оиласи ва элу юртга наф келтиришга интилади деб умид қиламиз.

Ислом МАРҚСОВ,
Чиноз тумани прокурорининг ёрдамчиси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 ноябрдаги ПҚ-4893 сонли қарорига мувофиқ Кабирджанов Хасан Муротович Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюроси директори лавозимига тайинланди.

Хасан Муротович Кабирджанов



Х.Кабирджанов 1980 йилда Фарғона вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 2003 йилда Тошкент молия институтини тамомлаган.

У тизимдаги дастлабки фаолиятини Бош прокуратура хузуридаги департаментнинг Бешариқ тумани бўлими инспектори лавозимидан бошлаб, Фарғона вилояти бошқармаси бўлим катта инспектори, Бош прокуратура хузуридаги департаментнинг бўлим катта инспектори вазифаларида фаолият юритган. Шунингдек, 2014-2018 йилларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида турли масъул лавозимларда хизмат қилган.

2018 йилдан шу пайтгача Бош прокуратура хузуридаги Мажбурий ижро бюроси директорининг биринчи ўринбосари – ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси бошлиғи лавозимда фаолият кўрсатган.

СУД ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ, ЯНГИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Шунингдек, Савдо-саноат палатаси ва Бизнес-омбудсманга давлат даражасига ундиришни назарда tutuvchi ижро ҳужжатлари бўйича тадбиркорлик субъектларининг қарзлари юзасидан ижронини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш тўғрисида мурожаат этиш ҳуқуқи берилади.

Йиғилишда қарздорнинг мол-мулки йўқлиги сабабли тўхтатилган ижро ҳужжатлари билан ишлаш масаласи муҳокама қилинди. Қарздорлар тўғрисида ягона электрон платформа яратиб, уларни нотариус, банк, солиқ, давлат таъминоти, боғжона, кадастр, ички ишлар ва бошқа идоралар базасига интеграция қилиш зарурлиги таъкидланди.

Шу пайтгача мажбурий ижро таъминлинидан ҳудудларга манфаат йўқ эди. Эндиликда ундирилган маблағларнинг бир қисми “темир дафтар”, “ёшлар дафтари” ва “аёллар дафтари” бўйича жамғармаларга ўтказиладиган тартиб жорий қилиниши белгиланди.

Давлат ижрочиларининг иш ҳажми масаласи ҳам эътибордан четда қолмади. Ҳўр жойларда битта ижрочи тўғри келадиган ҳужжатлар сонини меъёрлардан зиёд экани кўрсатиб ўтилди.

Масалан, мулк ҳуқуқларини рўйхатга олиш, ишга тиклаш ва иш ҳақи ундириш, жарима ва коммунал тўловларни тўлаш каби 8 тоифадаги ҳужжатларни мажбурийловчи ҳам амалга ошириш мумкин. Ҳўр МИБ зиммасида бундай ижро ҳужжатлари 1,6 миллионга, бу эса жами ишларнинг 35 фоизини, 400 минг сўмгача бўлган маблағларни ундиришга оид ҳужжатлар бўлса 60 фоизни ташкил этади.

Шу боис, суд қарорларини ижро этишининг соддалаштирилган тартибининг жорий қилиш, кам миқдордаги маблағлар билан ахборот технологиялари

ёрдамида ишлайдиган махсус бўлимлар ташкил этиш топириқлари берилди. Давлат ижрочиларини илғор методикалар асосида қайта тайёрлаш муҳимлиги таъкидланди.

Мусодара қилинган мулкларни сотиш тизимини қайта кўриб чиқиш, “Е-ижро аукцион”га қўйилган буюмларни бошқа электрон савдо платформаларига ҳам интеграция қилиш зарурлиги қайд этилди.

Таҳлилларга кўра, фуқаролар шикоятларининг қарийб 64 фоизини алимент масалалари ташкил этмоқда. Бу борадаги ижро ишлари ва тўловларнинг ягона ҳисоби йўлга қўйилгани кўлаб тушунмовчиликларга сабаб бўлмоқда. Шу боис, алимент олувчилар ва тўловчиларнинг тўлиқ реестрини шакллантириб, автоматлашган назорат тизимини жорий қилиш вазифаси қўйилди.

Маълумки, жорий йил 1 августдан бошлаб электр энергияси ва табиий газ бўйича қарздорликни ундириш ваколати штатлари билан электр ва газ таъминоти корхоналарига ўтказилди. Электр тармоқларининг 3,5 триллион сўм, табиий газ етказиб берувчиларнинг 11 триллион сўм дебитор қарздорлиги борлиги қайд этилиб, уларни қисқартириш бўйича қатъий иш олиб бориш кераклиги айtilди.

Суд ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини ошириш бўйича Бош прокурор раҳбарлигида Республика кенгаши ва вилоят ҳокимлари бошчилигида худудий кенгашлир тузилиб, уларга вилоят прокурорлари ўринбосар этиб бириктирилиши белгиланди.

Видеоселектор йиғилишида жойларда кишга тайёргарлик ишлари ҳам танқидий кўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

Ў.А.



ТАҲЛИЛ

ФАРЗАНД ТАРБИЯСИГА КИМ МАСЪУЛ?

Мамлакатимизда болалар тарбиясига катта эътибор қаратилади. Ҳамма ҳам фарзандининг етук инсон бўлиб улғайишини хоҳлайди. Бу яхши албатта, лекин ўқиб билим оламан, меҳнатим билан юрт равнақиға ҳисса қўшаман деб интилайётган ёшларимиз орасида тарбияси суст, ўқиш ва илганиш ўрнига енгил ҳаёт кечирини афзал биладиларини ҳам учраётгани ёмон.

Тўғри, ёшлар тарбияси бўйича тегишли ташкилотлар иш олиб бормоқда. Лекин айрим ҳудудларда вояга етмаганлар жиноятчилиги ўтган йилга нисбатан ўсган.

Республикамизда 2020 йилнинг 9 ойи давомида вояга етмаганлар ишлари бўйича идораларо комиссияларга юборилган ҳужжатлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 132 та камайган. Аммо вояга етмаганлар, ёшлар ва ўз фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган ота-оналарни профилактик ҳисобга олиш 70 та кўлайган.

Мисоллар шуни кўрсатадики, боланинг профилактик ҳисобга олинишида, шу билан бирга, боланинг ҳуқуқбузарлик содир этишида ота-онасининг маълум даражада айби бор. Дейлик, айрим ота-оналар фарзандим бўш вақтида ишлаб пул топапти, бунинг нимаси ёмон деб боланинг назоратини иккинчи ўрнига қўяётганини билишмайди.

Афсуски, бугунги кунда айрим ўқувчилар ўқишдан бўш вақтида хунар ўрганиш ё бошқа тўғаракларга қатнашиш ўрнига, бир-икки сўм пул топиш учун автомашиналарни ювиш шохобчаларида, дўкон, кафе ва тўйхоналарда ишлаб юришибди. Тадбиркорлар эса биринчидан, улардан арзон ишчи сифатида фойдаланса, иккинчидан, улар билан ҳеч қандай меҳнат шартномасини тузмасдан, конунда назарда тутилган иш берувчи мажбуриятларидан бўйин товлайди. Демак, бу каби ҳолатлар фарзанд тарбиясига салбий таъсир ўтказиш билан бирга меҳнатга оид конун талабларининг бузилишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Яна бир гап. Табиийки, кафе, ресторан ёки тўйхонада ишлайётган ўсмир қадаҳларга спиртли ичимлик қуйиб,

меҳмонларга хизмат кўрсатади ва катталарга тақлид қила бошлайди. Вақт ўтиши билан шаробхўрликка, маншатга ўрганади. Оқибати барчамизга маълум.

Фикримизни мавзуга оид мисоллар билан давом эттирамиз. Беруний тумани Янгибод маҳалласида яшовчи бир оиланинг вояга етмаган аъзоси Г.С. бировнинг контейнерига эшигини бузиб киради. Унинг ичидидаги темир сейфининг ҳам эшигини бузиб, ундаги 30 миллион сўм пулни ўғирлаб кетади.

Кўнгирут тумани Олтинқўл маҳалласидаги бир оиланинг Т.К. исми вояга етмаган фарзанди автомашина бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатга эга бўлмасдан, яқинларига тегишли автомашинани ўзбошимчилик билан ҳайдаб кетади ва йўлда бир кишини уриб ўтиб, жиддий жараҳат етказди.


Ушбу жиноятларнинг сабаблари ўрганилганда аниқландики, жиноятчиларнинг иккаласи ҳам ўзига тўқ оиланинг фарзанди бўлиб, ҳеч нарсага муҳтожлик сезмаган. Муаммо уларнинг оиладаги тарбиясида бўлган.

Демак, айрим жойларда оила – маҳалла – таълим муассасаси ҳамкорлигига эътибор пайсаган. Чунки 2020 йилнинг ўзида Қорақалпоғистон бўйича турли сабаблар билан 1490 нафар ўсмир узок муддат чет давлатларда юргани аниқланган ва уларнинг 566 нафари уйига қайтарилган. Айни пайтда қолганларини ҳам қайтариш чоралари кўриломоқда.

Хуллас, фарзанд тарбиясида у ёки бу ҳолатни баҳона қилиб назоратни сусайтурсак, кўп жиҳатдан ютқизишимиз тайин.

Аббос ЖОҲМАТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
прокуратураси бўлим бошлиғи

Президент фармони билан аҳолини рўйхатга олиш 2022 йилда ўтказилиши белгиланган эди, бирок Вазирлар Маҳкамаси қарорида ушбу жараёнлар 2023 йилда ўтказилиши тасдиқланди.



ДУНЁ КОНСТИТУЦИЯЛАРИ

Конституция мамлакатнинг асосий қонуни бўлиб, давлат ва жамият қурилиши, инсоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзида акс эттирган олий юридик кучга эга ҳужжат ҳисобланади. У сиёсий-ҳуқуқий билимлар сарқашмасидир. Ҳўш, жаҳонда илк конституция қачон ва қаерда пайдо бўлган? Ҳамма давлатлар ҳам ўз конституциясига эгами?

Давлатлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ҳозир биз тасаввур этадиган конституцияларнинг пайдо бўлганига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Баъзи манбаларда дастлабки конституция сифатида 1787 йили Филаделфияда қабул қилинган АҚШ конституцияси тилга олинади. Аслида ундан олдин қабул қилинган конституциялар ҳам бор. Бу дунёдаги энг кичик давлатлардан бири – Сан-Марино (ҳамма томондан Италия ҳудуди билан ўралган) Республикасининг 1600 йилда қабул қилинган асосий қонунидир. 1710 йил 5 апрелда қабул қилинган Филипп Орлик конституциясини ҳам баъзида Европанинг илк конституцияси сифатида эътироф этишади.

Конституциянинг ибтидоси аслида қадимги Афина ҳуқуқий ҳужжатлари бўлса ажаб эмас. «Конституция» сўзи латинчада *constitutio* – тузум, тузилиш маъносини англатади. Бундан қарийб тўрт минг йил аввал қадимги Бобилда яратилган Хаммурапи қонунларида ҳам конституцияга хос кўпгина жиҳатлар ўз аксини топган.

Шарқ мамлакатларида диний таълим, хусусан, ислом дини кўрсатмалари, шариат қондалари конституция вазифасини ҳам бажариб келган. Бундан ташқари, улуғ аждодимиз Юсуф Хос Ҳожининг «Қутадғу билиг» («Саодатга бошловчи билим») асарига давлат, жамият ва инсон ўртасидаги муносабатлар қандай бўлиши лозимлиги теран ёрилган. Айниқса, соҳибқирон Амир Темурнинг «Тузуқлари» бу борада бебаҳо сиёсий, ҳуқуқий, маърифий қўлланма бўлиб, ундаги кўпгина ғоялар ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Ҳинд халқи мустикалликка эришганидан икки йил ўтиб 1949 йил 26 ноябрда қабул қилинган Ҳиндистон конституцияси ҳажман дунёдаги энг катта конституциялардан бири ҳисобланади. У 395 та модда, 12 та йирик илова, 117400 та сўздан иборат. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат қабул қилингандан буён 500 дан ошмироқ ўзгартиш ва қўшимча киритилган, 80 та янги модда қўшилган, қарийб 20 та модда бекор қилинган. Қиёслаш учун куйидаги маълумотга эътибор беринг: АҚШ конституцияси ҳажман энг кичик – 4400 сўздан иборат бўлишига қарамай қабул қилингандан буён ўтган икки асрдан ошмироқ вақт мобайнида бор-йўғи 27 та ўзгартиш киритилган. Шунинг 10 таси

«Инсон ҳуқуқлари ҳақида билл» деб номланади. АҚШ конституциясининг илк матнида асосий эътибор федерал давлат тузилишига қаратилган бўлиб, инсон ҳуқуқларига оид нормалар дерали йўқ эди.

Ҳиндистон конституциясида инсон ҳуқуқ ва мажбуриятлари яхлит ҳолда берилмай, жуда кўплаб моддалар мазмунига синдириб юборилган.

Америка Қўшма Штатлари демократик давлат сифатида маълум ва машҳур бўлса-да, унинг конституциясида «демократия» сўзи қўлланмаган.

«Демократия» сўзи халқ ҳокимияти маъносини билдиради. Ўзбекистон конституциясининг 7-моддасида «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир» дейилган. Бу сўзлар демократик тараққиёт йўлини танлаган, инсон ҳуқуқларини олий қадрият деб билган Ўзбекистон халқининг улуғ мақсадларини ифодалайди.

Дунё мамлакатлари орасида конституцияга эга бўлмагани ҳам бор. Буюк Британия ва Янги Зеландия конституцион қонунчилик ривожланган демократик давлатлар бўлса-да, конституция деб номланувчи яхлит ҳуқуқий ҳужжатга эга эмас. Буюк Британияда конституциявий ҳуқуқлар парламент қабул қиладиган қонунларда ўз аксини топади. Бу ерда 1689 йилдаёқ «Хабас корпус акти» қабул қилинган эди.

Дунё давлатлари конституциялари моҳиятан ҳокимият манфаатлари, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ёки мафкуравий мақсадлар устувор бўлган хилларга бўлинади. Мафкуравий конституцияларнинг яқоқл намунаси собиқ СССР конституцияси эди. Ўз умрини ўтаб бўлган бу ҳужжатнинг мақсади коммунистик тузум ва унинг мафқурасини химоялаш бўлган. Бу мафкура иттифоқ халқлари бошига қандай жафолар келтиргани биз – катта авлод вакилларига қундай равшан. Ўша конституциядан фаркли ўлароқ ватанимиз конституциясида «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафқуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Унда ҳеч қайси мафкура давлат мафқураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас» дея алоҳида қайд этилган.

Норбўта ҲОЗИЕВ,
«Нидиқ»

СОДДАЛАШТИРИЛГАН ПРОПИСКА

Мамлакатимизда барча соҳалардаги ислохотлар инсон манфаатларини тўлақонли таъминлашга қаратилган. Бу борадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар такомиллаштириб борилмоқда. Хусусан, фуқароларнинг Конституцияда белгиланган бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юриш ҳуқуқини чеклайди деб ҳисоблаб келинган нормалар бекор қилинапти.

Маълумки, фуқароларнинг иш ёки яшаш жойининг ҳаётини сабаблар туфайли вақтинча ёхуд доимий ўзгариши, бунинг ортидан муайян жойда прописка қилиниши муаммоли масалалардан бири эди. Бу, ўз навбатида, кейинги йилларда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама қилинган. Шу сабабли 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси бу борадаги масалаларни ҳал этишда муҳим асос бўлмоқда.

Мазкур тарихий ҳужжат талаблари асосида юртимизда руҳсат бериш хусусиятига эга бўлган доимий прописка қилиш тизимидан хабар бериш хусусиятидаги рўйхатдан ўтказиш тизими жорий этилмоқда. Албатта, ҳар соҳада ишни аниқ режа асосида олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун тилга олинган тизимни бир неча босқичда амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 апрелдаги «Доимий прописка қилиш ҳамда турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида бу борада биринчи босқичда бажарилиши кўзланган вазифалар аниқ белгилаб берилган. Хусусан, «доимий прописка қилиш» ва «турган жойи бўйича ҳисобга олиш» тушунчалари «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш» ва «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш» деб ўзгартирилди.

Бунда фуқароларга биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошларини ўзи доимий яшаш жойи бўйича рўйхатда бўлган манзил билан бир қаторда, эгаллигида бўлган уй майдонига доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга қўйиш имкониятини яратиш, доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга қўйиш учун эр-хотиннинг никоҳдан кейин бир йил давомида биргаликда яшаш шarti ҳамда бир йил ичида никоҳ бекор қилинган тақдирда доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниши йўқотилиши тўғрисидаги қондан олиб ташлаш, лавозимга сайланган, тайинланган, тасдиқланган фуқароларга ҳамда республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотларига ишга тақлиф этилаётган юқори малакали мутахассислар учун лавозимни эгаллаб туриш даврига бериладиган доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниш ҳуқуқига чекловни бекор қилиш тартиби белгиланди.

Аваллари юртимизнинг бошқа ҳудудларида доимий рўйхатда турган фуқаролар Тошкент шаҳри ва вилоятдан уй сотиб олиш ҳуқуқига эга эмас эди. Бу борадаги ислохотлар натижасида фуқа-

ролар Тошкент шаҳри ва вилоятдан уй сотиб олиш ва уни ўз номига расмийлаштириш билан бир қаторда янги қурилган уйлари сотиб олиб, уч йил ичида сотган ҳолатда давлат божининг алоҳида ставкаларини қўллаш тартиби ҳам бекор қилинди.

Доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартибини бузганлик Ўзбекистон фуқароларини тегишли ҳудуд ва манзилдан чиқариш юбориш учун асос бўлмаслиги алоҳида қайд этилди.

Авал бошқа жойга борганда келиш муддати уч кундан ошадиган бўлса, вақтинча рўйхатда туриш белгиланган бўлса, 2020 йил 1 сентябрдан Ўзбекистон фуқароларининг доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтмасдан истиқомат қилиш муддати 15 кун ҳисобланиши, доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши



расмийлаштириш бир кун ичида амалга оширилиши, фуқароларни доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олишда аввалги доимий яшаш жойидан рўйхатдан чиқилиши бекор қилиш, фуқароларга доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниши расмийлаштиришда паспорт, уй дафтари ёки хонадон қарточкасига рўйхатга олиш штампини босиш амалиётини бекор қилиш тартиби жорий этилди.


Шу билан бирга, Ўзбекистон фуқароси томонидан солиқ идораларида ҳисобга олинган ижара шартномаси ҳақида маълумот тақдим этилганда вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олишда уй эгасининг розилиги талаб этилмади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг муайян ҳудудида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган Ўзбекистон фуқаролари ушбу ҳудуднинг бошқа манзилида истиқомат қилса, турган жойи бўйича вақтинча рўйхатга олиниши шарт эмас ва у паспорт тизими қондаларини бузган деб ҳисобланмайди.

ЛАЗИЗБЕК САМАДОВ,
МИБ Тошкент шаҳар бошқармаси бўлим бошлиғи

СОҒЛОМ ЖАМИЯТ ЯРАТУВЧАНЛИККА ҚОДИР

Тиббий тадқиқотлар касалликларнинг 70 фоизи овқатланиш қондасига амал қилмаслик оқибатида келиб чиқишини кўрсатади. Умрини инсон юрагини ўрганишга бағишлаган америкалик машҳур кардиохирург Майкл Дебейкидан узоқ умр кўришининг сирини сўрашганида у «Бу инсоннинг ўз кўлида. Агар қовурма овқатлардан воз кечса, одам ўз умрини 15-20 йилга узайтира олади» деб жавоб бергани ҳам бежиз эмас.



Қолаверса, коронавирус пандемияси ногўғри турмуш тарзи, тўғри овқатланишга эътибор бермаслик қандай оқибатга олиб келишини яққол кўрсатди. Шу боис бу борада давлат сиёсатини янада мустаҳкамлашни даврнинг ўзи тақозо этади. Давлатимиз раҳбари томонидан 2020 йил 10 ноябрда имзоланган «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор бу йўналишдаги вази­фаларнинг ҳуқуқий асоси бўлди.

Қарорнинг аҳамияти нимада?

Саломатлик учун муҳим микроэлемент ва моддаларни инсон организми асосан мева ва сабзавотлардан олади. Бирок тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, юртимиз аҳолисининг 67 фоизи етарлича мева-сабзавот емайди. Бу эса турли касалликларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Шу боис ҳужжатга мувофиқ 2021 йил 1 июндан бошлаб 6-23 ойлик болалар учун ўйда тайёрланган овқатларни бойитиш мақсадида микро­н­у­три­ент кукун билан, 6 ойликдан 5 ёш­гача бўлган болалар А витамини билан, 2-10 ёшдаги болалар гелиминтоз профилактикаси бўйича махсус препаратлар билан бепул таъминланади.

2022 йил 1 июндан бошлаб ҳомилалар ва бола эмизувчи

аёллар ҳамда 3-15 ёшдаги болаларга йод препарати, 35 ёшгача бўлган аёлларга темир ва фолий кислотаси препарати бепул берилади. Ушбу дори ва витаминларни оилавий шифокорлар тарқатади.

Ун микро­н­у­три­ентлар билан бойитилса...

Қарорда имтиёзлар ҳам аксини топган. Маълумки, 2019 йилда ишлаб чиқарилаётган ва импорт қилинаётган барча навдаги бугдой унининг 30 фоизини микро­н­у­три­ентлар билан бойитилгани аниқланган эди. Ваҳоланки, бу каби унни Ўзбекистон аҳолисининг 56 фоизга яқини истеъмол қилади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумоти­га кўра, бу борадаги 70 фоиз кўрсаткич ҳам камқонликни анча қамайтириш имконини беради. Шу боис 2020 йил 1 апрелдан Ўзбекистонга фақат микро­н­у­три­ентлар билан бойитилган биринчи навли бугдой уни билан бир қаторда олий нав бугдой унини ҳам микро­н­у­три­ентлар билан бойитилган тақдирда республика ҳудудиде реализация қилишга рухсат этилади.

– Болаларнинг ёшлик чоғиданоқ керакли микро­н­у­три­ентлар билан бойитилган таомларни истеъмол қилиши баркамол ўсишини таъминлайди, – дейди Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази директори Барно Одилова. – Бунинг иқтисодий жиҳатдан ҳам самарали экани исботланган. Яъни тадқиқотлар кичик ёшда яхши овқатланиш учун сарф этилган ҳар бир доллар кейинчалик давлат бюджетига 4 доллардан 35 долларгача фойда келтиришини кўрсатган.

Ҳақ гап. Чунки бола ёшлигидан илгир тўқ, бақувват бўлиб ўсса касалликка кўп чалинмайди, демак даволаш учун ортиқча харажат қилишга тўғри келмайди.

Туз, шакар ва ёғ мик­дори юқори бўлса...

Қарорда кўплаб янгиликлар бор. 2021/2022-ўқув йилидан бошлаб мактабгача таълим ташкилотларида «Шахсий гигиена ва жисмоний тарбия асослари» машғулоти ўтказилиши, умумтаълим мактабларида эса «Саломатлик сабоқлари» дарслари ўтилиши шулар

жумласидан. Академик лицей, профессионал ва олий таълим муассасаларининг жисмоний тарбия фани доирасида шу йўналишда машғулотлар ўтказилади. Бир сўз билан айтганда, тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантиришга доир жараёнларда боғча боласидан нуруний кексаларгача камраб олинади.

Яна бир муҳим масала: 2021 йил 1 июндан таркибда туз, шакар ва ёғ мик­дори юқори бўлган мах­су­лотлар, шунингдек, соғлиқ учун зарарли бошқа қўшимчалари бор мах­су­лотларга белги қўйиш бошланади. Белгилаш 2021 йил июндан илтибор, 2025 йил 1 январдан мажбурий бўлади. Хўш, тамғалаш нима учун керак?

– Аввало шуни кайд этиш жоизки, бу ўзгариш мамлакатга олиб қирилган мах­су­лотларга ҳам, республикада ишлаб чиқарилган мах­су­лотларга ҳам бирдай тааллуқли, – дейди Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати раҳбарининг ўринбосари Нурмат Отабеков. – Бунда таркибда туз, канд ва ёғ мик­дори­ни хисобга олган ҳолда озик-овқат-

нинг инсон соғлиғи учун хавфсиз ёки зарарли эканини давлат санитария назорати органлари белгилайди. Товарларга ушбу рангли белгиларни қўйишдан мақсад – истеъмолчиларга ишончли маълумотларни етказиш ва фойдали мах­су­лотларни танлашига ёрдам бериш.

Зеро, шакар, ёғ ва тузни ҳаддан ортиқ истеъмол қилиш юрак-қон томири касалликлари, артериал гипертензия, қандли диабетнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига олиб келади. Таълим, спорт ва тиббиёт муассасаларида хавфсизлик белгиси билан тамғаланмаган озик-овқатларни сотишга йўл қўйилмайди ҳамда бундай мах­су­лотларни реализация қилиш савдо қондаларини бузиш си­фатида баҳоланади.

Ушбу қарор аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлидаги катта қадам бўлди. Зеро, соғлом турмуш тарзига риоя қилинса бундан жамият ҳам, давлат ҳам бирдай фойда кўради.

Юлдуз ҲОЖИЕВА,
«Нур»

FAOLIYAT

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙЎЛИДА

Нурота тумани 2-секториде «Темир дафтар»га киритилган оилаларда меҳнатга лаёқатли 505 киши бўлиб, 2020 йилнинг 1 октябригача 504 нафарининг бандлиги таъминланди. Натижада 299 та оила туман халқ депутатлари кенгашининг қарорига асосан камбағаллар рўйхатидан чиқарилди.

Мазкур дафтарга киритилган 87 оила «Хар бир оила – тадбиркор» давлат дастури доирасида тадбиркорликка жалб қилиниб, 54 тасига 650 та кўй-эчки, 13 тасига 640 та парранда, 11 тасига тикувчилик ва 9 тасига ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун кредит берилди.

Бундан ташқари, 111 нафар камбағал фуқаронинг 37 нафарига 100 кгдан кар-

тошка уруғи, 54 нафарига 4320 та жўжа, 12 нафарига томорқасини сугориш воситалари ҳамда 8 нафарига такрорий экин экиш учун фермер хўжаликларидан 50 сотихдан ер ажратилди.

Туманимизнинг шахий тадбиркорлари кўмағида 69 та камбағал оиллага 275 млн. сўмлик 249 та чорва етказиб берилди.

Эҳтиёжманд оилаларга 584,8 млн.

сўмлик ёрдам кўрсатилди.

Бундан ташқари, сектордаги икки кишининг уйи шиферлаб берилди.

Ҳудудда инвестиция лойиҳаларининг ижросига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётти. Хусусан, Амир Темур маҳалласидаги «Истиклол қоракўл наслчилик» МЧЖ 4,5 млрд. сўмлик ем ишлаб чиқариш ва қоракўл тери етиштириш лойиҳасини амалга ошириб, 15 та иш ўрни яратди.

Туман марказидан 60 км. узоқликдаги Қизилча маҳалласида «Қизилча мотел» оилавий корхонаси банкдан 100 млн. сўм кредит олиб, оилавий меҳмон уйини ташкил этди.

Сентоб маҳалласида туризмни ривожлантириш мақсадида фуқаро Умид Бобоев 500 млн. сўмлик меҳмонхонани қуриб, ишга туширди.

Шунингдек, 2-сектордаги Темирқовуқ маҳалласида «Қоракўл эдиқеиш» ўқув маркази ташкил қилинди. Унинг қурилишига 750 млн. сўм сарфланган бўлиб, шундан 300 млн. сўми банк кредитидир.

Ўқув маркази математика, физика, кимё ва биология фанларига ихтисослашган бўлиб, 125 ўқувчи тахсил олади. Марказнинг очилиш маросимида велоспорт ва югуриш, баскетбол, шахмат, шашка бўйича мусобақалар ўтказилиб, ғолиблар рағбатлантирилди.

Шунингдек, маҳаллада арзон озик-овқатлар ярмаркаси ташкил қилинди.

Фахриддин НОРОВ,
Нурота тумани прокурори в.б.

Эндиликда Ягона порталда «Доймий яшаш жойида рўйхатдан ўтиб яшовчилар сони тўғрисида маълумотнома» хизматини танлаб, маълумотномани онлайн тарзда олиш мумкин.

«ТЕМИР ДАФТАР»ГА КИРИТМАСЛИКНИ СЎРАДИ

Ўттиз йил ўқитувчилик қилган Жангил момо бугун тақдир тақозоси билан ногиронлик аравачасига миҳланиб қолган. Хунармандчилик билан ёшлиқдан шуғуллангани, жойнамоз ва гилам тўқишни кунт билан ўргангани бугун аянинг ҳаётга қизиқишини оширмоқда.

– Ҳаётда шуни англадимки, хунарли киши ҳеч қачон хор бўлмас экан, – дейди **Жангил Умаралиева**. – Хунар орқали бир рўзгорни боқса бўлади. Мактабда ўқитувчилик қилиш билан бирга урчуқда ип йиғириб, гилам тўқирдим. Ип йиғиришга кўп вақт кетгани учун гилам ва жойнамоzlарни мавсумий тўқиб олардим. Ҳозир эса асосий вақтимни жойнамоз тўқиш билан ўтказаяпман. Пишиқ ва бўялган ишларни сотиб олганим сабабли бир ойда уч-тўртта жойнамоз тўқийман. Бу борада келинларим, набираларим менга ёрдамлашади. Хунарим ортидан мактов ёрлиғи, диплом олдим. Бу мен учун шараф.

Жангил Умаралиева Шўрчи туманининг Лайлакхона маҳалласида яшайди. Ногирон бўлишига қарамай ҳаётдан нолмайди. Аллоҳдан ўзига сабр, фарзандлари-ю келинларига

инсоф сўрайди.

– Ўттиз йил маҳалламиздаги 7-мактабда ўқитувчилик қилдим, – дейди **Жангил момо**. – Раҳматли қайнотамнинг ёрдами билан Термиз давлат университетини тамомлаганман. Шогирдларим орасида ёзувчи ва шоирлар, шифокорлар ҳам бор. Тақдир экан, 15 йилдан буён оёқларим ишламай қолди. Тақдиримдан норизо эмасман. Момоларимдан ўрганган хунарни давом эттириб, маҳалламиз ёшларига гилам ва жойнамоз тўқишни ўргатайман. Шогирдларимнинг ишини кўриб кўзим қувнайди.

Албатта, «Хунар, хунардан унар» деганларидек, Жангил Умаралиева тўқиётган «Жонона», «Ғожари», «Тақир» гиламлару Бойсуни, қадимий атлас нухали жойнамоzлар рангларининг ёрқинлиги билан кишини эътиборсиз қолдирмайди.



Ижтимоий кўмакка муҳтож бўлса-да Жангил Умаралиева бировдан ёрдам сўрамайди.

– Жангил опанинг матонатига койил қолганман, – дейди маҳалла мутахассиси **Бибисора Жўраева**. – Маҳалламиздаги баъзи одамлар тўрт мучаси соғ бўлишига қарамай меҳнат қилиб пул топишни истамадан давлатдан ёрдам сўрайди. Ижтимоий кўмакка муҳтож оналарнинг шароитини ўрганиб, уларни «Темир дафтар»га кириштириш мақсадида Умаралиеваларнинг хонадонига борганимда, Жангил опа «Менинг кўлимда хунарим бор. Шу хунар орқали қора қозонимиз қайнаб турибди. Бунинг устига давлатдан пенсия олиб турибман. Шароити меникидан ёмонлар бор. Уларга ёрдам қилингизлар» деб, «Темир дафтар»га киритмаслигимизни сўради.

Дарвоқе, қахрамонимиз яқинда туман ҳокимияти томонидан онлайн тарзда ўтказилган «Энг яхши хунарамд» танловида биричи ўринни эгаллаб, диплом ва совғалар билан тақдирланди.

Нигина ШОЕВА,
журналист

КАДРЛАР САЛОҲИЯТИ ЎРГАНИЛДИ

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашда профессионал кадрлар муҳим ўрин тутади. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси томонидан доимий равишда кадрларнинг маҳоратини ошириш чораси кўриб келинмоқда. Шундай тадбирларнинг давоми сифатида «Прокурор назорати ва суд-тергов фаолиятини такомиллаштириш борасида ҳарбий прокуратура органлари олдига қўйилган асосий вазифалар» мавзусида семинар ўтказилди.

MILLIY ARMIYAMIZ MING-MINGLAB
O'G'ONLARIMIZ UCHUN CHINAKAM MARDLIK.
FIDOYLILIK, HAQIQIY VATANPARVARLIK MAKTABI



Видеоконференцалоқа тарзида ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Бош прокуратуранинг маъсул ходимлари, Республика ҳарбий суди судьялари, Ички ишлар вазирлиги тергов департаменти ва Экспертиза-криминалистика бош маркази мутахассислари ҳамда Мулофаа вазирлиги офицерларининг суд-ҳуқуқ ва мудофаа соҳаларига доир маърузалари ёш ходимлар томонидан қизиқиш билан тингланди.

Тадбир якунида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, амалдаги қонунлар, шунингдек, сўнгги йилларда мудофаа ва суд-ҳуқуқ соҳаларида қилинган ислохотлар, қонунларга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар, Бош прокурорнинг буйруқлари ва умумҳарбий низомилар бўйича ёш мутахассислар сеновдан ўтказилди.

Бу каби тадбирлар ёш мутахассисларнинг назарий билимлари мустаҳкамланиши, маҳорати ошишига хизмат қилади.

Равшан ЖАЛИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси бўлим бошлиғи

JINOYAT HAQIQATI VA ADOLATI

БРАКОНЬЕРЛАР

Улар тўрт киши эди. Иккитаси Мингбулоқнинг Қирқчекидан, яна икки нафари Момохондан. Балиқ овиға жуда ҳавасманд эдилар. Аммо ҳар иш қонунга мувофиқ бўлганига не етсин?! Акс ҳолда на саргузашт татийди, на балиқ ови. Ҳатто жавобгар бўлиш мумкин.

«Улфати чор, анда маза бор» деганларидай 46-28 яшар бу кадронлар ноодатий саргузаштларни яхши кўришарди. Шу боис балиқ овини ихтиёр этиб йўлга отланишди.

Нақ тунги соат 1 да Попнинг Навбахор маҳалласидан оқиб ўтган Қорақалпоқ каналига етиб келишди. Қўлларида қўлда ясалган электр қармоқлар, яна бир қанча анжомлар...

Ярим кечаси «Биров билиб ўтирибдими?» деган ишонч билан овни бошлашди.

Электр қармоқлар қўл келиб, ҳашпаш дегунча 142 та балиқ тутишди.

Бейхитёр машҳур «Сиздан угина – биздан бугина» фильми-ю ундаги броконьерларнинг кечани кеча, кундузи кундуз демай балиқларга қирон келтириши ҳаёлингизни қамраб олади.

«Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 35-моддаси ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг республика ҳудудида ов

қилиш ва балиқ овлаш қоидаларига оид буйруқларига зид қиямишлари билан хайвонот дунёсига оз эмас, нақ 151 074 396 сўмлик зарар етказишди.

Яхшиямки, ўша тунда рейдга чиққан вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси ходимлари ҳамда профилактика инспектори томонидан уларнинг қилмишига чек қўйилди. Бўлмаса, зарар салмоғи бундан ҳам ортиб кетиши кундек равшан эди.

Воқеа жойидан балиқлар, иккита резина қайиқ, тўртта эшак, тўртта аккумулятор, иккита электр қармоқ ашёвий далил сифатида олинди. Суд қонунбузарларнинг ҳар бирини турли муддатга озодликдан маҳрум қилди. Ҳуқумда етказилган зарар улардан солидар тартибда ундирилиши кайд этилди.

Улугбек РАХИМОВ,
Наманган вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи



FAOLIYATIDAN

ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ ФИРИБГАР

Фуқаро Т.Н.нинг аризаси бўйича ўтказилган тадбир ва суриштирувда Тошлоқ туманининг Обхисё маҳалласида яшовчи 44 яшар М.И. одамларни алдаб, Жанубий Кореяга ишга жўнатишни ваъда қилиб олган пулини қайтариб бермай келаётгани тасдиқланди. Тергов мобайнида тагин алданган уч кишининг муурожаоти ҳам ўз тасдиғини топди.

Дастлаб М.И. Жанубий Кореяга Отланган танишларидан бирига Фаргона шаҳрида ишга ёлланганлигини айтиб йўл-йўриқ кўрсатади. Касби, билими талабга мос тушган йигит воситачиларсиз ишга кетади. Бироқ М.И. таниш-билишлари орқали хорижга ишга жўнатишни мумкинлиги ҳақида овоза таркатади. Буни эшитган таниши Р.М. ўғлини Кореяга ишга жўнатишга ёрдам беришини сўрайди. М.И. 2013 йил ёзида ўз оёғи билан келган лужмани кўлдан чикармаслик учун Р.М.дан харажатларига дея 4700 АҚШ доллари олади.

Орадан икки йил ўтиб бошқа бир фуқаро Т.Н.нинг ўғлини 4000 доллар эвазига бир йил ичида Жанубий Кореяга ишга жўнатишга ваъда қилиб, дастлаб 1100 долларини қўлга киритади. Қолганини сўраганида Т.Н. «ўғлим ишга кетганида бераман» дейди. Орадан бир йил ўтса-да, М.И. ваъдасини бажармайди.

2017 йилнинг февраль ойида фирибгарнинг қармоғига таниши А.Н. илинади. Ўғлини Жанубий Кореяга ишга жойлаштиришга ишонтирган М.И.га 4500 доллар беради. Кейинчалик ишга жойлаштириш харажати ошганини айтган фирибгарга яна 3500 долларини топшириб кўяди.

2017 йил май ойида фирибгар таниши Ш.Қ.ни чув туширади. Жанубий Кореяга ишга жўнатаман деб ундан олган 4000 долларини қайтариб бермай, бу йил бўлмади, кейинги йил жўнатаман дея алдаб юраверади. Алданганларни ишонтириш учун Тошкентдаги хорижга ишга юборишга тайёрлаш курсларига олиб боради. Курсда ўқиганлар ҳам ишга тақлиф қилинмасдан қолишади. Пулини қайтаришни талаб қилганларга бир қисмини бериб, қолганини кейин бераман дея алдаб юраверади.

Судда айбига иқрор бўлган фирибгар алдаб олган пулларини жабрланганларга тўлиқ қайтариб беришини инobatта олишни сўради. Суд ҳукми билан зарарни қоплаш ва гаров учун топширилиб, банкда сақланаётган пулнинг 20 млн. 307 минг сўми жабрланувчи Р.М.га, 10 млн. 253 минг сўми Т.Н.га, 40 млн. 612 минг сўми Ш.Қ.га, 30 млн.459 минг сўми А.Н.га топширилди. Зарарни тўлиқ қоплаган судланувчига ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Сиддиқжон МЕЛИЕВ,
департаментнинг Тошлоқ тумани бўлими бошлиғи

ПЕШТАХТА ОСТИДАГИ ШИШАЛАР

Жорий йилнинг ўтган даврида ўтказилган тезкор тадбирларда алкоғолли ичимликларнинг ноқонуний савдоси билан шугулланган 5 нафар шахс аниқланди.

Хусусан, Нишон тумани Ойдин маҳалласида фуқаро Д.О., Ширинобод маҳалласида Х.И. ва Ёшлар дёбири маҳалласида О.Ф. ноқонуний дўкон очиб, рухсатнома олмадан арок сотаётган экан.

Тадбир жараёнида улардан 2 млн. 600 минг сўмлик алкоғолли ичимликлар олиб кўйилди. Ҳуқуқбузарларнинг ўзлари эса маъмурий суд қарори билан жазога тортилди.

Бобомурод САИДОВ,
департаментнинг Нишон тумани бўлими инспектори

MUNOSABAT

МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИНИ КИМ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ?

Сўнги тўрт йилда чет элда ишлаётган юртдошларимизга нисбатан муносабат ўзгариб, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал қилишнинг янги тизими жорий этилди.

Хорижда ишловчи шахсларни қўлайдиган, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладиган жамғарма тузилди, меҳнат мигрантларининг ҳаёти ва соғлиғини сугурталаш, уларнинг оиласи учун ипотека кредитларини ажратиш амалиёти жорий қилинди.

Шу билан бирга, хорижда ишлаётган фуқароларни қўллаш механизмининг такомиллаштириш, қайтиб келганлари учун қулай шароит яратиш талаб этилмоқда. Шу мақсадда 2020 йил 15 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти-

нинг «Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унда хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизими яратиш белгилаб берилди ва қўйидагилар мазкур тизимнинг асосий йўналишлари сифатида кўрсатилди:

– Ўзбекистон фуқароларини чет элга ишга уюшган ҳолда юборишни қўпайтириш, шу мақсадда вазирлик, идоралар ва маҳаллий ҳокимият органларининг вази-фа ва ваколатларини кенгайтириш;

ПОРАДАН ҲАЗАР ҚИЛМАСАК...

Нафсининг йўриғига юрган инсон пушаймон бўлиши турган гап. Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг Олот тумани жамияти раиси вазифасини бажарувчи И.Ҳамроев федерациянинг Бухоро вилояти бирлашмаси раисининг 2020 йил 9 июндаги буйруғига асосан Олот тумани «Деҳқон бозори»да тадбиркорлик субъектлари карантин талабларига қандай риоя қилаётганини ўрганди.

Ўрганиш давомида «Экспресс савдо плюс» ХК раҳбари М.Нуруллаев тиббий никоҳсиз ва оралиқ масофага риоя этмасдан фаолият олиб бораётганини аниқлади. Дарров маълумотнома тузди.

– Ака, энди нима бўлади? Бу маълумотнома билан мени жаримага тортасизларми? – деди М.Нуруллаев.

– Албатта. Бу ҳужжат вилоят бирлашмасига юборилди. Менимча, ойлик маошнинг 2 бараваридан 10 бараваригача жарима қўлланиши мумкин, – деди И.Ҳамроев. Кўнглида «кармоққа тушди» деган ўй кечди шекилли, «мен сизга ёрдам беришим мумкин» деб кўшиб кўйди.

Ушбу суҳбат асносида тадбиркор

М.Нуруллаевни маълумотномани юқори ташкилотга бермаслиги эвазига 600 минг сўм пул ёки телефон олиб беришга кўндирди.

23 июль куни тадбиркор телефон ки-либ қолди:

– Ака, ишлатилган телефон олиб бер-сам хафа бўлмайсизми? Кейин 50 доллар берай, ўша маълумотномани Бухорога юборманг...

Келишилгани бўйича И.Ҳамроев ўзи билан ишлайдиган М.Баҳромовани тадбиркордан порани олиб келиш учун юборди. Ҳеч гапдан хабари йўқ М.Баҳро-мова 600 минг сўм пулни М.Нуруллаев-дан олиб келди.

И.Ҳамроев порани қиссасига уришга улгурмади, жиноят устида қўлга олинди. Унга суд ҳукми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлатга ўтказиш шarti билан 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Ҳазрат Навоий айтганидек:
*То ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,
То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас,
То зулму ситам жонига бедод ўлмас,
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас!*

Норпулот ЮСУПОВ,
департаментнинг Олот тумани бўлими бошлиғи

ЖАМОАТ БИРЛАШМАСИДАГИ ТАМАГИР

Орамизда ёлғон ваъдалар билан пул топишни касб қилганлар ҳам бор. Айниқса, давлат ташкилотига ишлаб, мансабини суиистеъмол қилиб коррупцияга қўл ураётганларнинг ҳам учраши ачинарли ҳол.



Департаментнинг Урганч шаҳар бўлими ўтказган тадбирда хорижий университет-га ўқишга киритмоқчи бўлган фирибгарнинг қилмиши фош этилди.

Урганч шаҳридаги нодавлат республика жамоат бирлашмаси Хоразм вилояти бў-лимаси раҳбари шу ҳудудда яшовчи фуқаронинг ишончига кириб, уни Астрахань давлат техника университетига онлайн тест орқали ўқишга киритиб кўйишни ваъда беради. Бунинг эвазига эса бирлашма хизмати учун 2 миллион сўм ва ўқишга кирга-ни ҳақида буйруқ чиқариб бериш учун 700 АҚШ доллари талаб қилади.

Департаментнинг Урганч шаҳар бўлими ўтказган тадбирда нодавлат республика жамоат бирлашмаси Хоразм вилояти бўлимаси раҳбари фуқародан 700 долларни олаётган вақтда ашёвий далиллар билан ушланди.

Ушбу ҳолат бўйича жиноят иши кўзгатилиб, тергов ўтказилаяпти.

Дилрабо КУРЯЗОВА,
департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси катта инспектори

тиш ва уларга хорижий тилларни ўрга-тиш, малакасини тасдиқловчи, халқаро миқёсда тан олинган сертификатлар-ни бериш тизимини жорий қилиш;


– хорижда мураккаб шароитга тушиб қолган меҳнат мигрантларини молиявий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, улар-нинг ҳаёти ва соғлиғини сугурталашни кенгайтириш, улар учун маданий-маъри-фий тадбирларни ташкил этиш ва х.

2021 йил 1 январдан бошлаб уюшган ҳолда хорижга ишга кетаётган юртдош-ларимиз олдин давлат ва нодавлат таъ-лим ташкилотларида касбга ўқитилди.

Қисқача айтганда, энди чет элга ишга кетаётган фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини давлат кенгрок ҳимоя қиладди.

Ҳожимурод РАХМАТИЛЛАЕВ,
Олтиариқ тумани прокуратураси катта нозири





ҲАР КУНИ БЕШ МИНГ ҚАДАМ

Кузнинг таровати кўнгилларга ҳарорат бағишлайди. Табиатнинг эрталабки изғирини, кундузги илиқлиги, кечки ҳавоси ёқимли. Шу аснода кузнинг сўнгги ойи ҳам ўтиб бормоқда. Кун давомида компьютерда ишлаш ҳар бир инсондан аввало соғлиқ, диққат ва кунтни талаб қилади.

Соғлом танда – соғ ақл, дейди халқимиз. Шу боис давлатимиз раҳбарининг 30 октябр-

даги «Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш

чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бажариш мақсадида республикамизнинг турли ҳудудларида «5000 кадам» акцияси ўтказилмоқда. Мажбурий ижро бюросининг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари орасида «5000 кадам» акциясини Шайхонтохур тумани бўли-

ми ходимлари бошлаб берди.

Кечаги ёмғирли кундан сўнг ҳамма ҳам эрта тонгдан кўчага талпинавермайди. Лекин соғлом турмуш тарзи ўзимиз учун фойдали. Юртдошларимизнинг буни англаётгани кувонарлидир.

Марғуба АМОНОВА,
МИБ Тошкент шаҳар бошқармаси катта инспектори

ЯНА БИР ОИЛАГА ҚУВОНЧ ҚАЙТДИ

Бюро органлари ходимлари болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг таъминоти учун белгиланган алиментларни ундириш ҳамда ажрашган ота-оналарни яраштириш чораларини кўрмоқда.

Тўрақўрғон туманининг Ку-мидон маҳалласида яшовчи Нурмухаммад ва Мафтуна бир олам орзу-умидлар билан оила қуришган эди. Нимадир бўлиб, уларнинг ораси бузилди. Оила ажрашиб, Мафтуна икки фарзандига алимент ундириш масаласида фуқаролик ишлари бўйича Чуст туманлараро судига мурожаат қилди. Унинг

аризаси қондирилди ва алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати МИБ Тўрақўрғон тумани бўлимига келиб тушди.

Бюронинг туман бўлими, шунингдек, мутасадди давлат идоралари ва нодавлат ташкилотлар вакиллари ҳамкорликда ҳар икки томонга оиланинг муқаддаслиги, ўртадаги икки фарзанднинг ота меҳрига зор ўсиши уларнинг



тарбиясига салбий таъсир қилишни тушунтириш, иш ижобий томонга сурила бошлади. Ёшлар ярашиб, бугунги кунда ўзлари пешона тери эвазига сотиб олган мўъжазгина ҳовлида аҳил яшамоқда.

Бюронинг туман бўлими ходимлари айнан алимент билан боғлиқ ҳужжатларнинг ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келаяпти. Шу йўналишда фуқаролар билан тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

2020 йилнинг ўтган даврида 80 га яқин оила яраштирилди. Биз алимент ундиришни шундай савобли ишга айлантираётганимиздан хурсандимиз.

Аббосхон САДИКОВ,
МИБ Тўрақўрғон тумани бўлими бошлигининг ўринбосари

«САРТИВА» ВА «MALIBU» ХАТЛАНДИ

Қоракўл туманлараро иқтисодий судининг 2019 йил 26 декабрдаги «Geo construction engineering» масъулияти чекланган жамиятидан Ҳикмат Файзуллаевга 724 млн. сўм қарзини ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати бюронинг Бухоро шаҳар бўлимига келиб тушган.

Мазкур ҳужжат юзасидан МЧЖ раҳбари қарзини тўлаши ҳақида бир неча марта огоҳлантирилган бўлса-да, у пулни тўламай келган.

Шундан сўнг қарздорга тегишли «Сартива» ва «Malibu» русумли автомобиллар хатла-ниб, вақтинча сақлаш учун жарима майдонига қўйилди.

Ҳозир автомобиллар баҳоланиб, уларни «E-ijro aukcion» электрон савдо майдони орқали сотиш чоралари кўрилмоқда.

Фарзод ВОХИДОВ,
МИБ Бухоро шаҳар бўлими давлат ижроچиси

УЛОВИДАН АЙРИЛИШНИ ИСТАМАЙ...

Фуқаролик ишлари бўйича Зарбдор туманлараро судининг 2020 йил 16 июлдаги ижро ҳужжатига кўра Д.Ҳақимовдан Б.Қодировга 19 млн. сўм машина пули, 760 минг сўм бож ва 15610 сўм почта харажати ундириш белгиланган бўлиб, мазкур ҳужжат бюронинг Зарбдор тумани бўлимига келиб тушган ҳамда ишга киришилган.



Ижро ҳаракатлари давомида қарздорнинг мулкий ҳолатини аниқлаш мақсадида ваколатли органларга сўров юборилган бўлиб, олинган жавоб хатларига кўра унга тегишли «Nexia-2» автомашинаси хатланган.

Шундан сўнг Д.Ҳақимов 21 октябрда Б.Қодировга ижро ҳужжатида кўрсатилган суммани нақд пулда тўлаб берди.

Шербек АКБУТАЕВ,
МИБ Зарбдор тумани бўлими бошлиғи

22 МЛН. СЎМ ЖАРИМА УНДИРИЛДИ

Жинойат ишлари бўйича Булунғур тумани судининг 2020 йил 6 августдаги ижро варақасига асосан Шавкат Норқуловдан давлатга 22 млн. 300 минг сўм жарима ундириш тўғрисидаги ҳужжат бюронинг Жомбой тумани бўлимига келиб тушган ва шу куннинг ўзида ишга киришилган.

Қарздорга ижро ҳужжатида кўрсатилган талабни бажариш учун муддат берилган.

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонуннинг 42-моддасига асосан қарздорнинг Ўзбекистондан четга чиқиш ҳуқуқи вақтинча чекланган.

Мазкур ижро ҳужжатига асосан

қарздорнинг мулкларини аниқлаш мақсадида тегишли ташкилотларга сўровлар юборилган ва Шавкат Норқуловдан 22 млн. 300 минг сўм жарима тўлиқ ундирилиб, ижро ҳужжати тамомланган.

Дилшод ТЕМИРОВ,
МИБ Самарқанд вилояти бошқармаси инспектори

КАРАНТИНДА ТЎЛАНМАГАН МАОШ


Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг буйруғи билан Кува тумани қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий иқтисодиёт коллежининг ўқитувчиларига тўланмай келган иш ҳақини ундириш белгиланган.

Коллеж маъмуриятининг ҳисобрақамида пул ва балансда кўчмас мулкни бўлмагани туфайли суд ҳужжатида кўрсатилган иш ҳақини ундириш имкони бўлмаган.

Бюронинг Кува тумани бўлими томонидан коллеж ва унинг юқори турувчи органи масъул шахслари билан олиб борилган тушунтириш ишлари натижа-сида тўланиши бир неча ойдан буён пайсалга солиб келинган 27 нафар ўқи-тувчининг 33 млн. 230 минг сўм иш ҳақи бир неча кунда тўлиқ тўлаб берилди.

Жамолiddин ОДИЛОВ,
МИБ Фарғона вилояти бошқармаси катта инспектори

Давлат иштирокидаги корхоналарнинг сайтларига қўйиладиган талаблар тўғрисида низом лойиҳаси ишлаб чиқилди.



ШОҲЖАҲОН НОМИГА МУНОСИБ

Профессионал боксда ўз фаолиятини давом эттираётган ҳамюртимиз Шоҳжаҳон Эргашев 16 ноябрь куни навбатдаги жангини ўтказди.

Ўзбекистонлик боксчига беларуслик Дмитрий Милоша ракиблик қилди. Москва вилоятида ўтказилган жангнинг биринчи раундида кичик устунлик Шоҳжаҳон томонида бўлди. Иккинчи раундда эса беларуслик боксчи оёқ ҳаракатларини фаоллаштирди ва Эргашевнинг кучли зарбасидан ўзини бир неча бор олиб қочишга эришди.

Милоша иккинчи раунддан кейин кўкрагида оғрик сезди ва шифокорлар жангни давом эттиришга рухсат бермади. Шу тариқа Шоҳжаҳон Эргашев техник нокаут эвазига ракибидан устун келди.

Бу ўзбекистонлик боксчи учун 19-жангдаги 19-галаба бўлди. Шунингдек, у 17-жангини муддатидан аввал яқунлади.



РЭШФОРД КИТОБ КЛУБИ ОЧДИ

Охирги вақтларда «Манчестер Юнайтед» клуби ҳужумчиси Маркус Рэшфорднинг исми ижтимоий тармоқларда жуда кўп тилга олинапти. Майдонда у жамоадoshлари учун, майдон ташқарисида эса яқинлари учун доим ёрдамга тайёр.

Британияда 23 ёшли футболчи намуна сифатида кўрсатилмоқда. Гап шундаки, одатда кўпчилик ёш футболчилар омади келиб, пичоги мой устида бўлган вақтида босар-тусарини билмай, машағабга берилиб кетишади. Унинг атрофидагилар турли машағабаларга аралашиб юрган вақтда, Рэшфорд тинмай шугулланади, бўш вақтларида эса хайрия ишлари билан шугулланади. У яна бир хайрли ишга қўл урди.

17 ёшида биринчи мартаба китоб ўқиган Рэшфорд 23 ёшида китоб клуби очди. У болалар учун махсус китоб клуби ташкил қилгани ҳақида эълон қилди. Ушбу лойиҳа орқали футболчи болаларни китоб ўқишига бар-

вактроқ жалб қилишни ва кам таъминланган она фарзандларининг таълимига ўз ҳиссасини қўшишни мақсад қилган.

"17 ёшимдагина китоб ўқишни бошладим ва бу дунёкарашимни бутунлай ўзгартириб юборди. Мен доимо китоб ўқишни хоҳлаганман, бироқ болаликда топган даромадимиз овқат столимизга етарди.

Бугунги кунда Британиянинг ўзида ҳаётида китоб ушлаб кўрмаган 380 минг бола бор, уларнинг бунга имконияти йўқ, аммо энди барчаси ўзгариши керак", дейди «МЮ» ҳужумчиси.

Таъкилланишича, 2022 йилда Рэшфорд муаллифлигида болалар учун иккита китоб нашр қилиниши режалаштирилмоқда.

ЧИҚИШ ЭШИКЛАРИ КЎРСАТИЛАДИ

«Diario Sport»нинг хабар қилишича, «Барселона» клуби бир қатор футболчиларидан қутулмоқчи. Гап олти футболчи ҳақида кетмоқда.



Каталонлар Рики Пуч ва Карлес Аленья каби тарбияланувчилари қатори ҳимоячилар Самюэль Умтити, Хунниор Фирпо, ҳужумчилар Матеус Фернандес ва Мартин Брэйтуэйтти сотувга қўймоқчи.

Ҳаммадан кўра Фирпо кетишга яқинроқ. Унга «Интер» ва «Наполи» клублари қизиқаяпти. «Барселона» жамоаси унинг трансферидан 20 миллион евро ишлаб олмақчи.

Умтити эса бошқа жамоага ижарага берилиши мумкин. «Барселона» ёздаёқ франциялик футболчини трансферга қўймоқчи эди. Унга «Рома»

ва «Лион»дан қизиқиш бор.

Брэйтуэйт кетишни истамапти, бироқ унинг агентлари вариантлар кидирмоқда. Каталонлар унинг учун сарфланган 18 миллион евро ни қоплай олмаслигини тушуниб турибди. Бирок жамоа Делпайга жой бўшатиш учун бу трансферга мажбур.

АБРАМОВИЧ 100 МИЛЛИОН АЖРАТДИ

Англиянинг «Челси» клуби таркибини кучайтиришда давом этади. Бош мураббий Фрэнк Лэмпард клуб раҳбариятини яна бир катта трансферга кўндирди олди.



Класи ёзда лондонликлар «Боруссия» клуби ҳужумчиси Эрлинг Ҳоландни оладиган бўлапти. Клуб хўжайини Роман Абрамович норвегиялик тўпурақ учун 100 миллион евро ажратишга рози бўлди.

Лэмпард ўз жамоаси ҳужум қизигида Тимо Вернер ва Эрлинг Ҳоландни ўйнатмоқчи.

Трансфер суммаси 75 миллион евро атрофида баҳоланаётган Ҳоландга «Реал», «Манчестер Юнайтед» ва «Ливерпуль» каби номдор жамоалар ҳам харидор бўлмоқда.

СОБИҚ ФУТБОЛЧИ ЎГИРЛАНДИ


Нигерия терма жамоасининг собиқ футболчиси Кристиан Ободони номаълум шахслар ўғирлаб кетди.

«L'Equipe» тарқатган хабарга кўра, қуролланган шахслар собиқ футболчинини Нигериянинг жанубий қисмида жойлашган Варри шаҳрида олиб қочиб кетишди.

«Уни кидириш билан машғулмиз, аммо ҳозирча ўғриллар билан алоқа ўрнатилиши имкони бўлмади», – деди полиция вакили.

Ободони 2012 йилда ҳам ўғирлаб кетишган. Орадан бир кун ўтиб полиция уни озод қилган. Ўшанда ўғриллар футболчи учун 149 минг евро талаб қилишган эди.

Ободо фаолияти давомида «Фиорентина», «Удинезе», «Перуҗа» ва «Динамо» (Минск) клубларида ўйнаб, 2017 йилда бутсасини михга илган эди.



МАСКЕРАНО ФАОЛИЯТИНИ ЯҚУНЛАДИ



«Барселона» клуби ва Аргентина терма жамоаси собиқ ҳимоячиси Хавьер Маскерано футболчилик фаолиятини яқунлаганини маълум қилди.

Маскерано 2010-2018-йилларда «Барселона» клубида ўйнади. У каталонлар билан беш марта Испания чемпионатида голиб чиқди ва беш бор мамлакат кубогини қўлга киритди, шунингдек, икки марта Чемпионлар лигасида зафар қучди.

Шунингдек, у фаолияти давомида «Ривер Плейт», «Коринтианс», «Вест Хэм», «Ливерпуль» ва «Хэбэй Чайна Форчун» каби клубларда тўп сурди.

Маскерано Аргентина терма жамоаси сафида 147 та ўйин ўтказди ва ЖЧ-2014 нинг финалига етиб борди. Яна у олимпия терма жамоаси сафида олимпиада олтин медалига сазовор бўлган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди